

АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ

САХОВАТЛИ ИНСОНЛАР ВА САЛОМАТЛИК
ПОСБОНЛАРИ

Тошкент – 2006

0

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ

2006 йил – «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»

САХОВАТЛИ ИНСОНЛАР ВА САЛОМАТЛИК
ПОСБОНЛАРИ

Методик-библиографик қўлланма

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
нашриёти

Тошкент – 2006

78.342

С 35

Илмий-методик бўлим томонидан тайёрланди

<i>Тузувчи</i>	<i>М.Матмурадова</i>
<i>Муҳаррир</i>	<i>Ҳ.Маматраимова</i>
<i>Масъул муҳаррир</i>	<i>О.Қиличбоев</i>
<i>Матн терувчи</i>	<i>З.Жалилова</i>

Саховатли инсонлар ва саломатлик посбонлари:
Метод.-библиогр.қўлл. / Алишер Навоий ном.
Ўзбекистон Миллий к-наси; Тузувчи М.Матмурадова;
Муҳаррир Ҳ.Маматраимова; Масъул муҳаррир
О.Қиличбоев.-Т.: Алишер Навоий ном. Ўзбекистон
Миллий к-наси нашриёти.-2006.- 52 б.

КБК 78.342+65.278+51.1 (5 У)

2006 йил – «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»га бағишланган ушбу методик-библиографик қўлланма меҳр-мурувват, инсонпарварлик, хайр-эҳсон, меҳр-шафқат, саховат-пешалик, ҳомийлик, ҳомийлар, шифокорлар ҳақидаги қизиқарли манбалар, меҳр-мурувват, савоб, саҳийлик ҳақида «Авесто», «Куръони Карим», «Ҳадис»даги ибратли битиклар, мутафаккир ва буюк алломаларимизнинг фикрлари, шунингдек, «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»га бағишлаб ўтказиладиган тадбирлар туркуми ва уларни ўтказиш бўйича методик маслаҳатлар берилган.

© Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
нашриёти, 2006 й.

Муқаддима

*Муруввату маърифатдир
буюкликнинг нишонаси,
Қадам қўйинг, мана сизга
асл йўлнинг остонаси.
А.Орипов*

Ҳар қандай юксак маданиятли жамият энг аввало ўз фуқароларининг фаровон турмуши ва саломатлигини муҳофазалаш ҳақида қайғуради. Шунингдек, мухтож фуқаролар ва оилаларга, меҳр-шафқатга мухтож бўлган ногиронлар ва етим-есирларга, бева-бечораларга, боқувчиларидан жудо бўлган ёлғиз яшаётган одамлар ва кексаларга ғамхўрлик кўрсатиш, ўзаро ёрдам, саховатпешалик, ҳомийлик, беморлар дардига ҳамдард бўлиш каби ғоялар ўз аксини топган ва топмоқда.

Мана неча йилдирки, ҳар янги йил юртимизга янги бир хайрли ном билан кириб келади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов томонидан 2006 йил «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилинган «Меҳр ва мурувват йили», «Сихат-саломатлик йили» билан узвий боғлиқдир.

Жумладан, ҳар қайси йилга ном берилишида ўзига хос хикмат бор.

Бу борада қабул қилинган «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастури мамлакат бўйича минтақалар, шаҳарлар, туманлар ва аҳоли пунктлари миқёсида аҳолининг ижтимоий ночор қатламлари, биринчи навбатда ногиронлар, ёлғиз кексалар, кам таъминланган оилалар ва етим-есирларга аниқ моддий ёрдам кўрсатиш ва маънавий қўллаб-қувватлаш юзасидан чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш, кексалар ва ногиронлар интернат-уйларида, «Меҳрибонлик» уйларида, жисмоний ва ақлий ривожланишда орқада қолган болалар мактаб-интернатларининг шарт-шароитларини

яхшилаш, ҳомийликнинг мустаҳкам кафолатланиши ва ижтимоий нуқтаи назаридан кенг эътироф этилишини таъминлайдиган қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш, олижаноб инсонларнинг ҳолисона интилишларини қўллаб-қувватлаш, халқимиз, айниқса ёшларнинг онгида меҳр-мурувват, саховат ва ҳиммат каби эзгу инсоний фазилатларни юксалтириш, жамият ҳаётида тиббиёт ходими касбининг нуфузи ва унинг мақомини ошириш каби аниқ чора-тадбирларни рўёбга чиқаришга қаратилган.

Конституциямизнинг 39, 40, 45, 50, 64 ва 100 моддаларида, Вазирлар Маҳкамасининг, Ўзбекистон Республикасининг қарор ва фармонларида меҳнатга лаёқатсиз ва ёлғиз кексаларни, етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш, фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиши, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳуқуқлари ҳамда манфаатлари қонун йўли билан юксак даражада кафолатланган.

«Ҳомийлар ва шифокорлар йили»нинг асосий вазифаларидан бири, ногирон, ёлғиз кексалар, етим-есирлар, бевабечоралар, кам таъминланган оила ва ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларга ёрдам бериш, ҳомийликнинг мустаҳкам кафолатланиши ва ижтимоий нуқтаи назаридан кенг эътироф этилишини таъминлайдиган қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий асосни шакллантириш, ёшларнинг онгида меҳр-мурувват, саховат ва ҳиммат каби эзгу инсоний фазилатларни юксалтириш, жамият ҳаётида тиббиёт ходими касбининг нуфузи ва унинг мақомини ошириш, соғлиқни сақлаш тизимини замонавий моддий-техника базасини, жумладан, хайрия ташкилотлар ва ҳомийларнинг маблағларини жалб этиш ҳисобига, янада мустаҳкамлаш ва ундан самарали фойдаланишни таъминлашдан иборат.

Бу масалаларга бағишлаб буюк қомусий олимлар, мутафаккир ва тиббиёт алломалари, олимларимиз, шоир ва ёзувчиларимиз яратган қатор рисоалар кутубхоналар фондидан ўрин олган, бу ҳақида мақолалар ҳам чоп этилган. Вақтли матбуот саҳифаларида шеърлар, ривоятлар, ҳикоялар ҳам бериб борилмоқда. У нашрлар кутубхона каталог ва картотекаларида акс этирилган.

Кутубхоналарнинг вазифаси меҳр-мурувват, ўзаро ёрдам ва ҳомийлик, саховатпешалик, ҳайр-эҳсон, инсон-парварлик ғоялари акс этган бадиий, тарихий, педагогик ва урф-одатлар, қадриятлар, одоб-ахлоқ, панд-насихатга, шифокорларга оид асарларни чуқур, ҳар томонлама ўрганиш ва китобхонлар ўртасида тарғиб қилишдан иборат.

Бу ишда кутубхоналар тарғиботнинг китоб тақдими, илмий-амалий семинар, илмий-амалий конференция, китобхонлар конференцияси, учрашув ва савол-жавоб кечалари, давра суҳбати, билимдонлар беллашуви, мавзули ва мунозара кечалари, китоб кўргазмаси ва обзор сингари турли-туман шакл ва усулларидан фойдаланишлари мумкин.

Бундай тадбирлар туркумини ташкил этиш учун тиббиёт ходимлари, шифокорлар, тарихчилар, файласуфлар, адабиётшунос лар, диншунослар, ҳуқуқшунослар, жамоат ташкилотлари вакиллари жалб қилиш мумкин.

Кутубхоналарга «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг жойлардаги бўлимлари, «Олтин мерос», «Соғлом авлод учун», «Экосан», «Маҳалла», «Нуроний», «Наврўз», «Меҳр-шафқат ва саломатлик», «Сен ёлғиз эмассан», «Оила» тиббиёт маркази, «Саломатлик маркази», «Раҳм-шафқат», «Соғломлаштириш ва спорт», «Кўзи ожизлар», «Кар-соқовлар», Халқаро «Қизил хоч ва Қизил ярим ой» жамиятлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, хотин-қизлар қўмитаси ва бошқа жамғармалар билан амалий ҳамкорлик ўрнатиш тавсия қилинади.

Ушбу методик-библиографик қўлланманинг мақсади меҳр-мурувват, ҳомийлик, саховатпешалик, шифокорлар, тўғрисидаги маълумотларни, ахборот материалларини китобхонларга етказишда, тарғиб қилишда кутубхона ходимларига ёрдам беришдир.

Қўлланмада «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»га бағишланган тадбирларни ўтказишда кутубхоначиларга ёрдам бериш мақсадида китобхонлар билан ишлашнинг айрим шакллари кўриб чиқилган.

«Ҳомий ва шифокор» ўтмиши ва бугунига бир назар

*Ҳомийлик деганда ён атрофдаги
бева-бечораларга, етим-есир, муҳтож
кишиларга кўмак ва ёрдам беришга,
одамларнинг дардига ҳамдард бўлишга,
қадрдон қишлоғи ёки шаҳрини обод
қилишга интиладиган, бир сўз билан
айтганда, савоб иш қилиб яшайдиган
инсонларни ўзимиз тасаввур этамиз.*

И.Каримов

Кишилик жамияти пайдо бўлгандан буён маданият, илм-фан ҳамда маънавиятнинг барча жабҳалари асосан шаҳарлардан, аниқроғи салтанат ҳокимиятининг атрофида, унинг хайрихоҳлиги, ҳомийлиги остида вужудга келган ва ривожланган.

Ҳар бир ижтимоий тузум келажаги, инсоният истиқболи, кишиларнинг ҳаёт ва турмуш даражаси, фан ва маданият ҳамда кадриятлар тараққиёти билан бевосита боғлиқдир. Ижтимоий тузумнинг ҳар бирида ўзига хос ва мос саховат-саховатпешалик, ҳомий-ҳомийлик, хайр-эҳсон, меҳр-шафқат, меҳр-мурувват, таобат, табиблик, шифобахш

дарахтларни экиш ва парвариш қилиш, беморни даволаш, етим-есир, бева-бечораларга ёрдам бериш каби улуғ ғоялар бўлган.

Жумладан, кулдорлик жамияти давридаги табобат ҳақида Гиппократ (Буқрот), Гален (Жолинуc) асарлари орқали етарли даражада тасаввур ҳосил қилиш мумкин.

Кўхна Шарқ инсоният тиббиёт қарашларининг ҳам қадимий ўчоғи ҳисобланади. Туркий ва форсий тилларда сўзлашувчи халқларнинг оғзаки ижоди ҳамда «Авесто»даги далиллар буни аниқ тасдиқлайди. Асарнинг барча қисмларида, айниқса «Вендидод»да табиблар тайёрлаш, уларнинг бурчи ҳамда вазифалари, табобат амалиёти, касаллар таснифи, уларнинг пайдо бўлиш сабаби ва омиллари, беморларни даволаш усуллари, муолажада энг оммавий фаол усуллар, доривор ўсимликлар, уларнинг таснифи, ноёб доривор гиёҳлар ҳақида анча қимматли маълумотлар берилган. Бундан ташқари рисолада эзгу ўй, эзгу сўз, савоб ишлар каби қимматини йўқотмаган маслаҳатлар, тавсиялар кўп.

Ислон динида «Қуръон» ва «Ҳадис» унинг ғояларини мужассам этган муқаддас манбалар ҳисобланади. Уларда одамларни ягона Оллоҳга, Муҳаммад алайҳиссаломга эътиқод қилишга чорлаш билан бир қаторда, сахийлик, мурувват, шафқат, бева ва бечора, етим-есир, мискин, хайрли ва савобли, яхшилик қилишга даъват этувчи ғоялар тарғиб этилади.

Дарҳақиқат, тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, бизнинг эраизгача бўлган даврларда ҳам Мовароуннаҳр ва унинг атрофида ҳукм сурган сулолалар томонидан илм-маърифат кишиларига ғамхўрлик кўрсатиш, аҳолига ёрдам, имтиёзлар бериш, ҳар хил қулайликлар яратиш одат бўлган. Жумладан, хохоманишинлар (мил.аввалги 558-330 йиллар), акшонийлар (милодгача 250-милоднинг 224 йиллари), сосонийлар (эраизнинг 224-654 йиллари) саройларида хизмат қилган қиссаҳонлар, ноқилу китобатчилар «Қорнамаки Доро», «Қорнамаки Артахшер» (VI аср),

«Хватайномак» (VII аср) каби ёднома, солномаларни китоб ҳолатига келтирган, кўплаб нақлу ривоятларни тўплаган. Ҳамиджон Ҳомидийнинг берган маълумотларига кўра шох Хусрав Парвиз (570-628 йиллар) ўз рафиқаси Шириннинг маслаҳати билан Мадойин қасрини бўёнётган эди, турли ўлкалардан келган меъморлар, ганчкор, ўймакор, сангтарош, мисгар усталар ёрдамида ўнлаб саройлар қурдирган. Уларда Хуросон, Мовароуннаҳрдан икки мингдан зиёд адиб, хофиз, ноқил ва ровийлар, оҳансозларни тўплаган, турли хил дасталар тузиб, махсус ижодхоналар ташкил этган.

IX-XV асрлар Марказий Осиё маънавий маданияти ривожига муҳим давр ҳисобланади. Бу даврда қатор мутафаккирлар инсонпарварлик, эл-юрт, Ватан, яхшилик ва эзгулик, хайр-эҳсон, меҳр-мурувват, савоб ва сахийлик, ўзаро ёрдам каби ғоялар акс эттирилган дурдона асарлар яратдилар.

Жумладан, инсонпарварликнинг халқ ичида кенг ёйилган кўриниши одамгарчилик бўлиб, Абу Райҳон Беруний фикрича, одамгарчилик (мурувват) кишининг ўзи, уруғ-аймоғи ва ўз аҳволига таъсир этиш билан чегараланади. Мардлик эса (футувват) ундан ҳам устун бўлиб, ўзидан ташқарига ҳам ўтади. Мурувватли мард киши ўзининг ҳалимлиги, мулоимлиги, иродаси мустаҳкамлиги, камтаринлиги туфайли танилиб, гарчи у унинг аҳлидан бўлмаса ҳам шу мартабага, олий даражага кўтарилади. У насл-насаб жиҳатдан эмас, балки одамгарчилик жиҳатидан ҳақли равишда ҳурмат қилинади*. Инсонпарварлик қадрияти мамзунда мусибатли кишига ҳамдард бўлиш, муҳтожларга, кексаларга аёлмандларга ёрдам бериш, хожатбарорлик қилиш, андишалилик, вазминлик самимийлик, камтарлик каби юксак фазилатлар ётади.

* Абу Райҳон Беруний. Ўйлар, ҳикматлар, нақллар, шеърлар.-Т.: Ёш гвардия, 1973.-Б.54.

Айнан ўша асрларда қатор буюк олимлар етишиб чиқдики, уларнинг асарлари табобат фанининг кейинги кўп асрлик тараққиётига асос солди. Райлик Абу Бакир Розий (865-925) ва буюк бобокалонимиз Абу Али ибн Сино (880-1037) шулар жумласидандир.

Ибн Сино «Ат-Тайр» рисоласида дейдики: «Биз зоҳирий касалликларни даволаш сирларини ёзиб қўйдик, биздан кейингилар ботиний иллатларига шифо топади, деб умид қиламиз». Шу маънода шифокорларимиз саховати бир кўнгли ўксикнинг дардига малҳам бўлмоқдан иборат.

IX-X асрларда сомоний ҳукмдорлар ва бойлар халқнинг бир йиллик хирожини ўз ҳисобидан тўлаб юбориш бўйича мусобақа ўйнаган (Наршахий «Тарихи Бухоро»).

XI-XII асрларда бир кунда лоақал бир мискинга таом бермасдан, дастурхон бошига ўтирмаган. Аҳмад Яссавий шундай дейдики: «Бир етимнинг бошини силаган кимса қиёматда дўзахга буюриладиган бўлса, унинг ўрнига менинг ўзим дўзахга тушаман».

Соҳибқирон Амир Темур даврида фан, маданият, санъат ва адабиёт юксалиш жараёнида тиббиёт ҳам ривожланади. Мамлакатда касалхоналар, дорихоналар, кутубхоналар барпо этилди. Мадрасаларда бошқа билимлар қатори тиббий билимлар ҳам ўқитила бошланди.

Амир Темур даврида ҳар бир шаҳарда шифохона бўлган, уларда билимли ва тажрибали табиблар ишлаганлар. Жумладан, Самарқандда «Дор уш-шифо» номли йирик касалхона бўлиб, унга ўз замонасининг таниқли табиби Мир Саййид Шариф Шерозий (1334-1414) Амир Темурнинг таклифи билан Самарқандга келиб, шу касалхонага бошчилик қилган. Шу даврда йирик табиблардан Ҳисомиддин Иброҳим Кирмоний, Мавлоно Файзуллох, Табризий, Мансур ибн Муҳаммадлар яшаб ижод этганлар.

Амир Темурнинг саъй-ҳаракатлари билан мадрасалар, масжидлар, хонақоҳлар, саройлар, бозорлар, равоту

карвонсаройлар, кўприклар, сув хавзалари ва бошқа иншоотлар бунёд этилди.

Шунингдек, халқнинг соғлигини сақлаш, беморларни даволаш, етим-есирлар ҳақида ғамхўрлик қилиш борасида муҳим ишлар амалга оширилган.

Жумладан, буюк Соҳибқирон Амир Темурнинг «Мен камбағалларга кўп хайр-эҳсон қилдим. Ҳар можаро ва муаммони диққат билан текширдим ва уни мумкин қадар тўғри ҳал қилишга бутун жаҳдимни сарф қилдим». «Ҳар бир шаҳарда масжидлар, мадрасалар, хонақоҳлар қуришни, мусофир йўловчилар учун йўл устига работлар бино қилишни буюрдим» деган ўғитларини ўрганган ҳар бир одам унинг буюклигига яна бир бор иймон келтириши шубҳасиз.

Йирик тасаввуфий тариқат вакилларида бири Хожа Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбанд ўз қўл кучи билан кун кўришни ёқтирган, топган-тутганларини етим-есирларга, бева-бечораларга инъом этган шахсдир.

Бундай юксалиш, айниқса, Амир Темурнинг набираси Мирзо Улуғбек (Муҳаммад Тарағай Кўрагоний) замонасида ҳам давом этди. Улуғбек Самарқанд, Бухоро ва бошқа шаҳарларда ўнлаб масжидлар, ҳаммомлар, карвонсаройлар, йўллар, шифохоналар қурдирди. Булар ичида энг машҳури 1414-1428 йиллари Самарқанд яқинидаги Оби-Раҳмат ёқасида қурилган расадхонадир.

Бу анъана темурийлар сулоласининг яна бир вакили – Ҳусайн Бойқаро ҳукмронлик қилган даврда ҳам давом этди. Маиший бинолар қаторида касалхоналар, тиббий мактаблар, кутубхоналар қурилди.

Нақшбандия тариқатининг назарий, амалий жиҳатларини бойитиб, бу таълимотнинг машҳур бўлишига ҳисса қўшган Ҳазрат Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ўз хўжалик фаолиятдан олган даромаднинг кўпгина қисмини аҳоли бошига тушган оғир солиқларни тўлаш, диний ва маданий

қурилишларни амалга ошириш каби ишларга сарфлаган. Умаршайх Мирзо Тошкент аҳолисида 250 000 динор хажмида солиқ талаб қилганида Хожа Аҳрор бу маблағнинг ҳаммасини ўзи тўлаб, яна 70 000 динорни ҳам солиқ йиғувчиларга топширган. Шунингдек, Хожа Аҳрор томонидан Самарқандда, Тошкентда ва Қобулда ҳам мадрасалар қурдирилганлиги ҳақида манбаларда маълумотлар бор.

Ўзбек адабиётининг асосчиси, мутафаккир, давлат арбоби Алишер Навоийнинг ижодида меҳр ва мурувват, хайру-эҳсон, хайру саховат, сахийлик ғояларини ўзига сингдирган ахлоқий тарбия масалалари катта ўрин тутди.

«Ҳайрат ул-аҳрор» асарининг бешинчи мақоласида Навоий хайру эҳсон (карам) масаласига тўхталади. Бу бобда ҳам шоир ўз фикрларини чиройли, силлиқ баён этишга, оддий гаплардан қочиб ҳаракат қилади. Унинг мулоҳазаларига кўра, хайр саховат шундай улуғ нарсаки, уни давлатманд одамнинг бошидаги тож (афсар)га ўхшатиш мумкин. Шу тожга қадалган қимматбаҳо гавҳарни эса карам деб тасаввур этса арзийди. У саховатли кишига мурожаат этиб дейди:

Бошинг уза жуду сахо афсари;

Афсаринг устида карам гавҳари.

Навоий фикрича, хайру саховат кўрсатишга қодир одам ҳеч маҳал бахиллик (бухл) йўлини тутмаслиги, бойлик даражасига эришганидан хурсанд бўлиб, Оллоҳ таолога шукрлар қилиб яшаши зарур. Шоир таъбирича, бахиллик ва хасислик инсон табиатидаги энг ярамас иллат. Сахийлик (сахо) эса инсон боласини безайдиган энг тоза гавҳардир:

Бухл эрур борча сифатдин хасис:

Лек сахо жавҳари асру нафис.

Ушбу умуминсоний гўзал ғояларни шоир мумкин қадар юқори санъаткорлик билан ифодалашга, кўз қамаштирадиган ташбеҳ ва истиораларни қўллашга интилади. У ўз юксак таъриф-тавсифларида давом этиб, сахий одамнинг

эхсон улашуви йўллари турмушдаги оддий нарсаларга эмас, қуёшга, кафтини нур таратувчи яшинга қиёслайди:

*Панжанг ўлуб сиймфишонлиққа фош,
Машириқу мағрибда нечукким қуёш...
Чун кафинг олтун сочиб андоқки барқ,
Барқ ҳаёдин бўлубон терга зарқ.*

Академик А.Қаюмовнинг «Алишер Навоий» номли рисоласида берилган маълумотларга кўра, Навоий жамғармаси ҳисобига Ҳиротда ва бутун Хуросон мамлакатада жуда кўп бинолар бунёд этган. Тарихчи Хондамир Алишер Навоий қурдирган иморатлар орасида 52 та работ, 19 та ҳовуз, 16 та кўприк, 8 та ҳаммом, кўплаб масжид, 12 та мадраса, 5 та макбара, кутубхона, шифохона ва бошқа бинолар борлигини бирма-бир кўрсатиб ўтади.

Айрим маълумотларга кўра Хуросонда, хусусан, Ҳирот ва унинг атрофларида Навоий ва унинг сафдошларининг ташаббуси билан 300 дан ортиқ жамоат бинолари, шунингдек, истироҳат боғлари, суғориш иншоотлари, ҳовуз, ариқ, кўприк, сув омборлари, тўғонлар қурилган. Буюк мутафаккир Алишер Навоий қурдирган бинолар, суғориш иншоотларидан халқ оммаси кенг кўламда фойдаланганлар. Алишер Навоий янги бинолар қуриш билан бирга эски биноларни таъмирлашга ҳам эътибор берди. Жумладан, у таъмир эттириб, зеб бердирган Жомеъ масжиди ҳовлисининг узунлиги 114 метр, эни 84 метр бўлиб, унинг 6 та дарвозаси бўлган. Бу Жомеъ масжиди ҳозир ҳам Ҳиротнинг энг гўзал меъморий обидаларидан бири ҳисобланади.

Алишер Навоий томонидан бунёд эттирилган бинолар орасида, айниқса, шифохона, ҳаммом, работ ва истироҳат боғлари алоҳида ўринда туради. Чунки булар халқ оммаси учун хизмат қилган. Мана биргина работлар, меҳмонхона, карвонсаройлар хизматини олиб кўрайлик. Булар чўл ва сувсиз биёбонлардан ўтувчи узоқ карвон йўлларида савдогарлар ва йўловчиларнинг хотиржам

қўниши ва тўхтаб дам олишлари учун қурилган бинолар, мусофирхона, бекат ва карвонсаройлар вазифасини бажарган. Улар таркибида меҳмонхона, масжид, дам олиш хоналари яъни хужралар, қудуқлар ва ҳатто юк ҳайвонларини боғлаш учун ҳовлилар ҳам бўлган. Демак айтиш керакки, Навоий қурдирган турли бинолардан кенг халқ оммаси ҳам самарали фойдаланган экан.

Мутафаккир Алишер Навоийнинг табиблар ва тиббиёт ҳақидаги фикрлари асосан унинг машҳур асари «Маҳбуб ул-қулуб»да баён этилган. Навоийнинг таъкид-лашича, табиб, «ўз фанининг моҳир билимдони бўлиши керак. У донишмандлар сўзига амал қилиб, уларга эргаш-моғи лозим, мулойим сўз ва бемор кўнглини кўтарувчи, андишали хушфеъл бўлмоғи керак». Шунингдек, асарда шундай пурҳикмат сўзлар бор: «Сахийлик (қўли очқлик) кишилиқ боғининг ҳосилдор дарахтидир, балки у дарахт-нинг ширин мевасидир, одамгарчилик ўлкасининг тўлқинли дарёси, балки у тўлқин дарёсининг асл гавҳаридир... Фахрланиш учун бермоқ ўзни кўрсатишлиқ ва бу билан ўзини сахий демак беҳаёликдир. Карам бировнинг машаққат тикани оғирлигини кўтармоқ ва уни тикан учидан гулдек очилмоқ ва қилинган ишни қайтиб тилга келтирмаслик, оғзига олмаслик, кишига миннат қилмаслик ва унинг юзига солмасликдир» дейилади.

Ўрта Осиё алломаларининг илғор ғоялари XVIII-XIX асрларда яшаб, ижод қилган маърифатпаварларнинг асарларида янада бойитилди. Мунис Хоразмийнинг кўпгина асарлари меҳр-мурувват, яхшилик ва олийжаноблик, саховат ва меҳрибонлик ғояларини улуғлашга бағишланган бўлса, XI асрнинг машҳур адабий ёдгорликларидан бири бўлмиш «Қобуснома» нинг Огаҳий томонидан форсчадан ўзбек тилига таржима қилингани халқимиз маънавий ҳаётида қатта воқеа бўлди. Шунингдек, Огаҳий йигирмадан ортиқ асарни

форс-тожик ва араб тилидан ўзбек тилига таржима қилди. Шоир шеърятининг лирик қаҳрамонлари одамийлик ғоялари билан вояга етган раҳм-шафқатли ва мурувватли, одил ва ҳақсўз, ахлоқий пок ва ҳалол, кўпчилик манфаатларини шахсий ғараз-интилишлардан устун қўя олувчи олижаноб кишилардир.

Жумладан, Бердақ ижодида тенглик, маърифат, инсонпарварлик ва меҳр-мурувват, адолат ва ватанпарварлик фазилатларини улуғлаш масаласи алоҳида ўрин тутди. Бердақ ахлоқий қаҳрамонларининг яна бир муҳим томони – кишиларни ҳурмат қилиш, айниқса, қарилар, заиф ва ногиронлар, камбағал ва бева-бечораларни иззат нафсига тегмаслик, уларга иложи борича ёрдам кўрсатишдир.

XIX асрнинг охири ва XX аср бошларидаги Хоразм адабий маърифатпарварлик муҳитининг вужудга келишида давлат арбоби, мутафаккир, истеъдодли шоир, нозиктаъб ва улуғ бастакор Муҳаммад Раҳимхон Ферузнинг роли ва ишлари муҳим аҳамиятга эга. У илм-маърифат ҳомийси, ташкилотчиси, санъат ва адабиётнинг чинакам фидойиси сифатида катта ишларни амалга оширди. Шоир ва тарихчи Баёний ибораси билан айтганда, «унинг даврида ҳар бир маҳалла ўз мачити, унинг қошида мактаб ва мадраса»сига эга бўлди, жуда кўп нодир асарлар араб ва форс тилларидан ўзбек тилига таржима қилинди.

Жумладан, Феруз маҳаллий фуқаро болаларидан илмли кишилар тайёрлаш мақсадида 1884 йилда ўз саройида мактаб очди, бу мактабда Мирзо ва Раҳмонкули каби устозлар ёшларга билим бериш билан шуғулланганлар. 1887 йилда бу мактабда 11 ўқувчи таълим олиб, шулардан олти нафари Ферузнинг шахсий ҳисобидан ўқиган.

Бундан ташқари Феруз фармонига мувофиқ 1904 йилнинг 10 ноябрида Урганчда янги усул мактаби очилди. Бу мактаб ўқувчиларининг сони 55 нафар бўлиб, шундан 45 нафари маҳаллий миллат фарзандлари эди.

Маърифатпарвар жадиdlаримизнинг хомийлик борасидаги саховатпешаликлари ҳаммамизга ўрнатқ бўлғулик.

Жумладан, Абдулла Авлоний (1878-1943) 1909 йилда Тошкентнинг Дегрез маҳалласида янги мактаб очди. У дарс бериш жараёнида очилаётган янги типдаги мактаблар учун ҳар жиҳатдан қулай бўлган кўплаб дарсликлар яратиш заруратини ҳис қилиб, ўзи ушбу мактаблар учун дарсликлар яратди.

У 1909 йилда «Жамияти ҳайрия» очди ва маҳаллий болалар учун пул йиғиб, тарқатди.

Шунингдек, Абдуқодир Шакурий (1875-1943) Самарқанд шаҳрида янги усулдаги биринчи мактабни ташкил қилди. Ўз қишлоғи Ражабаминда 1901 йил янги усулдаги мактабни ишга туширди. У 1908 йили Ражабамин қишлоғида очилган янги усулдаги Абдуқодир Шакурий мактабини Самарқандга, ўз ҳовлисига кўчириб келди ва унга ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдам беради.

Жумладан, Маҳмудхўжа Бехбудий (1873-1919) Туркистон мактаб-маорифчилиги тараққиётига ғоят катта ҳисса қўшди. У ўлкадаги «усули жадиd» мактабининг энг биринчи назариётчиси ва амалиётчиларидан, умуман, жадиdчилик ҳаракатининг тан олинган қарвонбошиларидан ҳисобланди.

Кўриб турганимиздек, бундай бағрикенглик, саховатпешалик фазилатлари асрлар давомида аждоdларимизнинг энг эзгу амали ҳисобланган.

Шуни алоҳида айтиш жоизки, ҳар бир ижтимоий тузум келажаги, инсоният истиқболи кишиларнинг соғлом ҳаёти ва турмуш даражаси, фан ва маданият ҳамда қадриятлар тараққиёти билан бевосита боғлиқдир. Ижтимоий тузумнинг ҳар бирида ўзига хос ва мос табобат, табиблик, шифокорлик, беморни даволаш каби улуғ ғоялар бўлган. Шуни алоҳида айтиш лозимки, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида

замонавий тарздаги илк даволаш муассасалари XIX асрнинг II ярмида вужудга кела бошлади.

Дастлаб, Тошкентда кейинчалик Самарқанд, Хива, Бухоро, Қўқон, Андижон, Наманган, Марғилон ва Хўжандда ҳам очилган.

Мамлакатимизда олий маълумотли тиббиёт ходимларни тайёрлаш бўйича Тошкентда биринчи тиббиёт институти умумий амалиёт шифокори ва стоматология йўналиши бўйича олий ўқув юрти 1920 йилда Туркистон университети негизида ташкил топган. 1931 йилда Ўрта Осиё университетининг тиббиёт факультети Ўрта Осий тиббиёт институтига айлантирилди. 1935 йилда эса Тошкент Давлат тиббиёт институти деб аталди. 1990 йилда Тошкент тиббиёт институти 1 ва 2-тиббиёт институтларига бўлинди. 1972 йилда педиатрия факультети мустақил Тошкент тиббиёт педиатрия институтига айлантирилди.

Президентимиз ташаббуси билан мустақиллик йилларида Ўзбекистонда Бухоро тиббиёт институти, Тошкент тиббиёт академиясининг Урганчда, Фарғонада филиаллари, Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Нукусдаги филиали қайта ташкил этилган ва қизгин фаолият олиб бормоқда. Улар ҳар йили 5 та йўналиш бўйича 2500 нафардан ортиқ олий маълумотли шифокорларни ҳаётга етказиб берапти.

2005 йилдаги маълумотларга кўра соғлиқни сақлаш тизимида 71 минг 623 нафар шифокор халқ саломатлиги йўлида меҳнат қилмоқда. Уларнинг 11 минг 261 нафари олий, 21 минг 1003 нафари биринчи тоифали шифокорлардир.

Тизимда фаолият кўрсатаётган 256 минг 183 нафар ўрта тиббиёт ходими ҳамшираларнинг 39 минг 144 нафари олий, 50 минг 678 нафари биринчи тоифали ҳамширалардир.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда замонавий тиббиётнинг ривожланиши учун ҳам катта имкониятлар вужудга келди.

Масалан, Америка Қўшма Штатларининг Иллинойс университети, Миср Араб Республикасининг Эл Мансурий университети, Испаниянинг Гранада университети, Финляндиянинг Абр Академияси, Ноу-Хау фонди бўйича Буюк Британиянинг Империял коллежи ва бошқалар билан дўстона алоқалар ўрнатилиб, тажриба алмашишлар йўлга қўйилган.

Шунингдек, МДХ давлатларида ҳам тиббиёт мутахассислар малака оширишда. Жумладан, улар акушер-гинекологлар, педиатрлар, болалар жарроҳлиги мутахассислари, анестезиолог-реаниматологлар, неонатологлар, травматологлар ва бошқалар.

Давлатимиз кам таъминланган оилаларга, ногиронларга беқиёс ғамхўрлик қилмоқда. Ҳар йили «Наврўз», «Мустақиллик» байрамларида, «Ҳайит» айёмларида ногиронлар йўқланади. Меҳр-мурувват уйлари, меҳрибонлик уйлари ва мактаб-интернатларида совға-саломлар улашилади. Ҳар йили 3 декабр Халқаро миқёсда ногиронларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш куни сифатида юртимизда ҳам кенг нишонланмоқда.

Кўрсатилаётган ғамхўрлик, меҳр-мурувват, меҳр-шафқат, ҳайр-эҳсонлар, саховатпешаликнинг туб мазмун ва моҳиятининг негизида инсонпарварлик ғояси ётади.

Президентимиз Ислам Каримов томонидан 1997 йилнинг «Инсон манфаатлари», 1998 йилнинг «Оила», 1999 йилнинг «Аёллар», 2000 йилнинг «Соғлом авлод», 2001 йилнинг «Оналар ва болалар», 2002 йилнинг «Қарияларни қадрлаш», 2003 йилнинг «Меҳр ва мурувват», 2005 йилнинг «Сиҳат-саломатлик», 2006 йилнинг «Ҳомийлар ва шифокорлар» йили деб белгиланишида ҳам чуқур инсонпарварлик маъноси ётади.

«Ҳомийлар ва шифокорлар йили»нинг тарихий асослари, бағрикенглик, саховатпешалик фазилатлари асрлар давомида аждоқларимизнинг энг эзгу аҳли ҳисоблан-

ганлиги ва юксак ахлоқ сифатидаги қадрияти, ёш авлодни комил инсон қилиб тарбиялашда бу туйғунинг ўрни ва роли, саховатпешалик ва сахийлик, ногиронлар, ёлғиз кексалар, кам таъминланган оилалар ва етим-есирларга, муҳтожларга ёрдам кўрсатишнинг миллий мерос сифатидаги моҳияти, уни турмуш тарзимизга яна ҳам чуқурроқ кириб бориши тажрибаларидан фойдаланишимиз лозимдир.

Шунингдек, ҳар бир фуқарода аجدодларимиздан мерос бўлиб келаётган, халқимизнинг қалбидан чуқур ўрин олган, қон-қонимизга сингиб кетган меҳр-мурувват, сахийлик-саховатпешалик, ҳомийлик, етим-есирларга моддий ёрдам бериш, фидойилик тамойилларининг намоён этилиши ҳаёт мазмунига, таъбир жоиз бўлса, одат тусига айланишига эришмоғимиз лозим.

“Ҳомийлар ва шифокорлар” ҳақида

“Авесто”дан:

Эзгу ўй, эзгу сўз ва савоб ишлар билан эзгу ўй, эзгу сўз ва савоб ишни алқайман. Ўзимни бари эзгу ўйларга, эзгу сўзлар (айтиш)га, яхшилик ишлар амалига бахшида қилман, барча ёмон ўйлардан, ёмон сўзу ёмон ишлардан юз ўгираман.

* * *

Топинчим ва мақтовларим, эзгу фикрим ва сўзим, (савобли) ишларим танамдаги жоним билан бирга Сизларга бўлсин, ўлим билмас Валийлар.

“Қуръони Карим”дан:

Ҳар кимнинг ўз юзланадиган тарафи бор. Бас, хайрли, яхши ишларга шошингиз. (“Бақара” сураси, 148 оят).

Сиздан нималарни инфоқ (саховат) қилишни сўрайдилар. Айтинг қандайки яхшилик қилсангиз, ота-онага, қариндош-уруққа, етим-мискинларга ва йўловчи мусофир-

ларга қилингиз. Қандай яхшилик қилсангиз, шубҳасиз, уни Аллоҳ билгувчидир (“Бақара” сураси, 215 оят).

Сиздан нималарни эҳсон қилишни сўрайдилар. “Ортганини”,-деб жавоб қилинг (“Бақара” сураси, 219 оят).

Бир-бирингизга фазлу мурувват қилишни унутманг. Аллоҳ, нима қилаётганингизни кўриб-билиб туради (“Бақара” сураси, 237 оят).

Молларини Аллоҳ йўлида (яъни яхшилик учун) сарфлаб, сўнгра берган нарсаларини миннат ва озорни эргашитирмайдиган зотлар учун Парвардигор ҳузурида улуг ажр (мукофот) бордир. Улар учун ҳеч қандай хавфу хатар йўқ ва улар ғамгин бўлмайдилар (“Бақара” сураси, 262 оят).

Қандай яхшилик қилсангизлар, бас, ўзингиз учундир. Фақат Аллоҳ учун яхшилик қилингиз! Қилган ҳар бир яхшилигингиз сизларга зулм қилинмаган ҳолда тўла-тўқис қайтарилади (“Бақара” сураси, 272 оят).

Бас, яхши амалларга шошилингиз!... (“Моида” сураси, 48 оят).

Яқининг (қариндошинг) ҳаққини адо эт, мискин (бечора) ва йўловчи (мусофир)нинг ҳам, аммо исрофгарчилик қилма. Исрофгарлар шайтонларга биродар бўладилар. Шайтон эса Раббига кўрнамак бўлган (“Исро” сураси, 26-27 оятлар).

“Ҳадис”дан:

Аллоҳ таоло сахийдир, сахийликни севади.

* * *

Савобли иш қилганингда хурсанд бўлсанг, гуноҳ иш қилганингда эса хафа бўлсанг, демак сен ҳақиқий мўминсан.

* * *

Тангри пок, покизаликни яхши кўради, тозаки, тозаликни яхши кўради, сахийдирки, сахийликни яхши кўради.

* * *

Бир мўмин, бемор ётган бошқа бир мўмин биродарини кўргани борса, босиб ўтган йўлларида жаннат боғида юргандек бўлади.

* * *

Фақат хайрли ва савобли ишларга буюрилганда итоат қилиши керак.

* * *

Хайрли ва савобли ишлар инсонни турли ҳалокатлардан сақлайди.

* * *

Бева хотинларга ва мискин-бечораларга ёрдам берувчи киши гўё Тангри йўлида жиҳод қилувчи ёки кечалари ибодат қилувчи, кундузлари рўза тутувчилар билан баробардир.

* * *

Сахий кишининг таоми шифодир, бахил одамнинг таоми эса касалликдир.

* * *

Бетоблигида сени кўргани келмаган одамни сен бориб кўравер. Сенга хайру эҳсон қилмаган одамга сен қилавер.

* * *

Бир-бирларингизга эҳсон қилинглар, чунки эҳсон муҳаббатни оширади ва дилдаги гашикларни йўқотади.

* * *

Эй Тангрининг бандалари! Беморларингизни даволатинглар, зеро, Тангри ҳар бир дарднинг давосини ҳам яратган, фақат кексаликнинг давоси йўқ.

* * *

Кимки бировга пул қарз берса ёки сут эҳсон қилса, ёки адашган одамни йўлга солиб қўйса, гўё бир қулни озод қилганчалик савобга эга бўлур.

Расуллулоҳ (с.а.в.) дедилар:

- Меҳр кўргазмаган меҳр кўрмайди.

* * *

Етимнинг бошини силагин, мискин-бечораларнинг қорнини тўйгазгин, қалбинг юмшайди.

* * *

Бева ва бечораларнинг гамини ейдиган киши Аллоҳ йўлида жиҳод қилган билан баробар бўлади.

* * *

Сахий киши – Аллоҳга яқин, жаннатга яқин, одамларга яқин, дўзахдан узоқ. Хасис киши – Аллоҳдан узоқ, жаннатдан узоқ, одамлардан узоқ, дўзахга яқин. Аллоҳ таолога хасис олимдан сахий оми суюклироқ.

Халқ мақолларидан:

Бахилни сахийлик билан уялтир.

* * *

Камбағалнинг сахийлигин кўрса,

Бойнинг бахиллиги ошар.

* * *

Сахий бўлмаса, бахил ҳаром ўлар.

* * *

Сахий хор бўлмас,

Бахил беҳишга кирмас.

* * *

Қаллобнинг болидан, сахийнинг захри яхши.

Ўзбек халқ мақолларидан:

Мурувват – меҳрнинг тузоғи.

* * *

Бахилники доим “йўқ”,

Сахий йўқ бўлса ҳам тўқ.

* * *

Сахий билан бахилни эшагининг тўқими билдирар.

* * *

*Бахил топса, босиб ер,
Сахий топса, бирга ер.*

* * *

*Бахил эҳсондан қочар,
Хасис меҳмондан қочар.*

“Аталар сўзлари”дан:

*Саховатли бўлмасанг майли, аммо исрофгар бўлма.
Саховат билан исроф бошқа-бошқа нарса.*

* * *

*Кишининг қадри унинг ҳимматига яраша бўлади.
Ҳадя муҳаббатни оширади:*

*Дўстлар учун ажаб ёқимли хислат,
Бир-бирин ҳадяла айлаб турса шод.
Ўзаро ҳадялар шундайин кучки,
Дилда муҳаббатни айлагай бунёд!*

*Хасиснинг ҳадяси совуннинг кўпиги,
Берганингни унут, берганни ёдда тут.*

* * *

*Дунёда яхшилик ва ёмонликдан кўра узоқроқ
яшайдиган нарса йўқ.*

Инсон яхшиликнинг қулидир.

Яхшилиги кўп одамнинг дўстлари сероб бўлади.

*Одамларни давлатинг етарли ва ишинг юришиб
турганда эмас, балки камбағаллик ва ночорлик пайтингда
сина, шунда уларнинг яхши ва ёмон эканини биласан.*

*Қўлингдан келганича бировга яхшилик қил,
яхшилигинг фойда берса, яхши, фойда бермаса сен ўз
бурчингни бажармаган бўласан.*

“Ибратли иборалар”дан:

Врачнинг бурчи – соғлом ҳаёт тарзини кечирмайдиган кишилар соғлигини сақлашдир.

* * *

Беморни фақат соғлом фикр билангина тuzатиши мумкин эмас.

* * *

Кишининг ёши улғайган сари, унинг врач дўстлари ҳам кўпайиб бораверади.

Алломалардан:

Ҳоким билан шаҳар аҳолиси ўртасидаги муносабат шундай муҳаббат асосига қуриладики, агар шаҳар аҳолисининг бирор аъзосига зиён-заҳмат етса, унинг зарари гўё жамиятнинг бутун аҳолисига дахл қилгудек тушунилади.

Абу Наср Фаробий

Саховат эса бахил ҳамда зиқналик билан сарф қилиши ўртасида туради.

* * *

Биз зоҳирий касалликларни даволаш йўлларини ёзиб қўйдик, биздан кейингилар ботиний иллатларга шифо топади, деб умид қиламиз.

Абу Али Ибн Сино

Саховатли (киши) бугдой сотиб олмайди, яхшиликни харид қилади.

* * *

Инсон эҳсони билан, эҳсон султони билан, султон замони билан, замон имкони билан, имкон эса маконини белгилаб бериши билан.

* * *

Саховатни кўп тақдирлаган киши Карамлидир, динорни кам йиққан киши буюқдир.

Ал-Хоразмий

Инсонга энг яқин нарса унинг нафсидир. Шу нафс, энг аввало, ўзига яхшилик қилишга, кейин эса ўз розилиги билан теварагидаги энг яқинларига яхшилик қилишга интилиши керак. У ташиқи кўриниши, ясама шухрат, сунъий обрў учун мурувват ва футувват кўрсатмасин.

Абу Райҳон Беруний

*Бахил бўлма, эй саховатли киши,
Саховатли деган мангу қолади, ўлмайди.*

Юсуф Хос Ҳожиб

** * **

*Ғариб фақир етимларни ҳар ким сўрар,
Рози бўлур ул бандадин Парвардигор.
Эй беҳабар, сен бир сабаб ўзи асрор,
Ҳақ Мустафо пандин эшитиб айдим мано.*

Аҳмад Яссавий

*Элнинг бутуни, сахийси эр дурур,
Сахийлик шарифу шамол орттирур.
Севилмоқ тиласанг кишилар аро,
Сахий бўл, сахийлик сени севдирар.
Бахил, нокас, тубан тева ра посбони,
Емас-ичмас, йигар, тутар берк они.
Дўстига таттирмас бахил тузини,
Ўлди қолур моли, еюр душмани.*

Аҳмад Югнакий

*Адолат ва инсоф билан Тангрининг бандаларини
ўзимдан рози этдим. Хайр-эҳсон ишларим билан одамлар-
нинг кўнглидан жой олдим.*

** * **

*Яхшиларга – яхшилик қилдим, ёмонларни эса ўз
ёмонликларига топширдим. Ким менга дўстлик қилган
бўлса, дўстлиги қадрини унутмадим ва унга мурувват,
эҳсон, иззату икром кўрсатдим.*

** * **

Адлу эҳсон билан жаҳон гулшани обод бўлади.

Амир Темур

*Саховатли киши шундай кишики, биров сўрамай,
олдидан ўзи билиб ҳады қилади.*

Абдибек Шерозий

Бўл сахий сен, эй биродар, бўл сахий.

Бўлмагай ҳар хил бало боида дағи!

Доимо мардлик билан мардона бўл,

Ким сахийдир қўллар они барча қўл!

Фаридиддин Аттор

Улуғлик тиласанг сахий бўл, сахий.

Сахийни севар Ҳақ таоло, сахий.

Сайфи Саройи

*Сахийлик (қўли очиклик) – кишилик боғининг
ҳосилдор дарахтидир, балки у дарахтнинг ширин мевасидир.*

** * **

*Табиб ўз касбининг устаси ва беморларга шафқатли
ҳамда марҳаматли бўлиши керак. Нафсини тийган ва
ҳаким-лар сўзига амал қилган бўлиши шарт. Сўзи ширин ва
юзи хушрўй бўлсин.*

** * **

*Яхши табиб шафқати билан Исо пайгамбар каби
ўзгаларга жон бағишлайди... Бундай табибнинг кўнгли ва
сўзи малҳамдан иборат бўлади.*

Алишер Навоий

*Саховат эгаларини “Футувват аҳли” дейдилар.
Футувват – элдан яширин бирор иш қилмаслик, ҳамма
одамлар билан хушфеълликда яшаи.*

Хусайн Воиз Кошифий

*Кишиларга яхшилик қилгин, (шунда) уларнинг
қалбларини ўзингга қул қилиб оласан.*

Абдураззоқ Самарқандий

*Халққа лутфни кам қилмагил,
Ҳеч кишига жавру ситам қилмагил*

Пошиохўжа

*Жалодат бири, бири гайратдурур,
Саховат бири, бири ифбатдурур.
Бири ҳилм келди, бириси ҳаё,
Бири ваъдага айламаклик вафо.
Футувват бири, соф ният бири,
Мурувват бирию ҳамият бири.*

Баёний

«Ҳомий ва шифокор эл-юртга мададкор»

Билимдонлар беллашувини ташиқил қилишига тавсиялар

*Аллоҳ таоло сахийдир,
сахийликни севади. Яхшилик
қилувчидир, яхшиликни яхши
кўради.*

Ҳадис

Танловнинг мақсади китобхонларни «Ҳомийлар ва шифокорлар», ҳомий, ҳомийлик, саховат, саховатпешалик, беғараз ҳомийлар, бева-бечораларга, етим-есир, муҳтож кишиларга кўрсатилаётган кўмак, меҳр-мурувват, шифокор ва шифокорлар, тиббиёт ходимларини тайёрлаш, улуғ шахслар ва мутафаккирлар томонидан кўрсатилган ҳомийлик, давлатимизнинг асосий қонуни ва қонун ҳужжатларида, давлат дастурларида акс эттирилаётган ҳомийлик, ҳомийлар ва шифокорларга доир манбаларни изчил ўқишлари орқали қизиқишини оширишдан иборат.

Беллашув ўтказишдан олдин фаол китобхонлардан 8 ёки 10 кишидан иборат бўлган 2 та билимдонлар гуруҳи тузилади. Уларга асосан мактаб, коллеж, лицей ўқувчилари, Олий ўқув юрти талабалари, тиббиёт ходимлари, турли

фирмалар ходимлари, ҳар хил муассасалар ходимлари киритилиши мумкин.

Беллашув ташкилотчилари билимдонларга бериладиган саволларни тузиб чиқадилар. Сўнгра тузилган саволлардан айримлари танланиб, ҳар икки гуруҳга мўлжаллаб қўйилади. Ўз навбатида билимдонлар учун тайёрланган саволларга доир керакли адабиётлар ва вақтли матбуот саҳифаларида нашр этилган мақолалар тайёр туриши керак.

Беллашувга тайёрланиш жараёнида беллашув қатнашчилари, албатта ўша манбалар билан танишиб, уларни ўрганиб чиқишлари зарур.

Билимдонлар эътиборини мустақиллик йилларидаги қонун ва фармонлар, ҳомийлар ва шифокор тўғрисида ёзилган асарларга, «Авесто», «Қуръони Карим», «Ҳадис»ларга, ҳикматлар, ҳикоятлар, ривоятлар, мақоллар, кўрсатилётган меҳр-мурувват, табобат ва тиббиёт, тадбиркорлар, шифокорлар, саховат ва ҳиммат каби эзгу инсоний фазилатларга доир бўлган манбаларга қаратиш лозим.

Беллашув ташкил қилинадиган жойда албатта мавзунини ёритиб берувчи китоб кўргазмасини ташкил этиш лозим.

Қуйида беллашувга қўйиладиган саволлардан намуналар келтирамиз. Шунга қараб билимдонлар қайси асарлардан ва манбалардан фойдаланиш кераклигини билиб оладилар.

1. Қайси асрларда ҳукмдорлар ва бойлар халқнинг бир йиллик хирожини ўз ҳисобидан тўлаб юбориш бўйича мусобақа ўйнаган?

(IX-X асрларда Сомоний ҳукмдорлари ва бойлари).

2. Қайси ҳукмдорлар илм-фан, маданият ва адабиётни ўзларининг ҳомийлигига олиб, сарой атрофида кўплаб ижодкорлар, олиму фузалоларни тўплашга интилган?

(Туркий ҳукмдорлар).

3. Ушбу келтирилган парча қайси муаллифнинг асаридан олинган?

Темур олимларга меҳрибон бўлиб, саййиду шарифларни ўзига яқин тутарди. Уламолар ва фозилларга тўлатўкис иззат кўрсатиб, уларни ҳар қандай кимсадан батамом муқаддам кўрарди. Уларнинг ҳар бирини ўз мартабасига қўйиб, ўз икрому ҳурматини унга изҳор этарди. Уларга нис- батан ўз муруввати бисотини ёярдики, бу муруввати унинг ҳайбати билан аралаш эди. Улар билан мазмунли баҳс ҳам юритар эдики, бу баҳсида инсофу ҳишмат бўларди. Унинг лутфи қаҳри ичига қорилган бўлиб, кўрслиги эзгулиги орасига қўшилган эди.

(Ибн Арабшоҳнинг «Ажойиб улмақдур» асаридан олинган).

4. Ушбу келтирилган манба кимнинг айтгани?

Душман сендан мурувват ва хайр-эҳсон кўрсаю яна қайтадан душманлик йўлини тутса, уни парвардигорнинг ҳукмига топшир.

(Амир Темурнинг ўғити).

5. Ушбу келтирилган мақол ва ҳикматли сўзлар қайси мутафаккирнинг асаридан олинган?

Саховат инсоният богининг борвар шажаридур, балки ул шажарнинг муфид самаридур.

* * *

Саховатсиз киши – ёгинсиз абри баҳор.

* * *

Карам ва мурувват ато ва анодурлар, вафою ҳаё икки ҳамзод фарзанд.

(Алишер Навоийнинг “Маҳбуб ул-қулуб” асаридан олинган).

6. Ушбу келтирилган парча қайси шоирнинг шеъридан олинган?

Ахир унинг билан гуллагай очун,

Ахир унинг билан умрлар шоён,

Фақат савоб борки, жаҳон бус-бутун,

Фақат савоб борки, азиздир Инсон!

(Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири
Абдулла Ориповнинг “Савоб” шеърідан олинган)

8. Ушбу келтирилган парча кимнинг қайси асаридан
олинган?

*Мана, бир йилдан ошди, тутинган укам Шухратжон
мендан тез-тез хабар олиб туради. Ҳаттоки, жондан азиз
болажонларимни бағримга қайтаришига сабабчи бўлди. Мен
эса шундай мурувватпеши, сахий инсонлар меҳридан куч
олиб, яшайман. Онасини ўзининг ҳалол ишлаб топган
пулига Ҳаж сафарига юборган ва ўзи ҳам боришни ният
қилган. Шухратжонга волидаси шундай дебди:*

*- Болам, сенга Ҳаж сафари қабул бўлди. Ахир сен бир
бева-бечорани ўлим ёқасидан ҳаётга қайтардинг, оғирини
енгил қилдинг.*

*Илоҳим, Аллоҳимнинг ўзи қарамида бошингни омон
сақласин. Топганингни баракасини берсин...*

*Онасининг дуоסי Шухратжоннинг саховати-
саховат, кучига-куч қўшаётган экан...*

(Марям Аҳмедованинг “Эзгуликнинг ёруғ нури”
номли воқеи ҳикоясидан олинган).

9. Ушбу келтирилган парча кимнинг шеърідан
олинган?

Қордай оқ либос эгнингиздадир!

Элу юрт меҳри кўнглигиздадир,

Саломатлиги кўлингиздадир,

Эй, мурувватли шифокоримиз,

Меҳр-шафқатли фидокоримиз!

(Искандар Раҳмоннинг “Оқ либосли шифокорлар”
шеърідан олинган).

10. Искандар Раҳмоннинг шифокорларга бағишлаб
ёзган қандай асарларини биласиз?

(Унинг “Ўзбекистонлик шифокорлар уруш йилларида”, “Оқ либосли халоскорлар”, “Ҳарбий шифокор хазинаси” номли очерк ва ҳикоялари мавжуд).

11. Қуйида келтирилган парча кимнинг шеърдан олинган?

*Қўллайлик, деб бир-биримизни,
Қўл беришди иккала ҳамкор.
Гуллатайлик, деб юртимизни
Бири ҳомий, бири шифокор.*

(Сиддиқ Мўминнинг “Бири ҳомий, бири шифокор” шеърдан олинган).

12. Қуйида келтирилган шеърий парча қайси шоирнинг қаламига мансуб?

*Ғариблар бошини силаш,
Етимларга меҳр-муҳаббат.-
Ёлғизларни самимий сийлаш,
Қонга кўчган-бу тарки одат!*

(Н.Нарзуллаевнинг “Хайр-эҳсон қасидаси” шеъри).

13. Маърифатпарвар жадиdlаримизнинг ҳомийлик ва саховатпешаликларидан нималарни биласиз?

(Маърифатпарвар жадиdlаримизнинг ҳомийлик ва саховатпешаликлари, жумладан, мактаблар очган ва дарсликлар ёзганлар, ҳамда маънавий ёрдам берганлар).

14. “Жамияти хайрия”ни ким очган?

(“Жамияти хайрия”ни Абдулла Авлоний 1909 йили очган).

15. Самарқанд шаҳрида янги усулдаги биринчи мактабни ташкил қилган ким?

(Самарқанд шаҳрида янги усулдаги биринчи мактабни Абдуқодир Шакурий ташкил қилган).

16. Мамлакатимизда шифокорлар тайёрлаш олий ўқув юрти қачон очилган?

(Мамлакатимизда Тошкент шаҳрида биринчи тиббиёт институти умумий амалиёт шифокори ва стоматология

йўналиши бўйича таянч олий ўқув юрти 1920 йилда очилган).

17. Қайси вилоятларда олий маълумотли шифокорлар тайёрлаш институтлари бор?

(Мустақил республикамизда 3 та вилоятда жумладан, Самарқанд тиббиёт институти, Андижон тиббиёт институти, Бухоро тиббиёт институти фаолият кўрсатмоқда).

18. Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори қачон қабул қилинди?

(2005 йил 1 декабрда).

Беллашув якунини махсус ҳакамлар маълум балл қўйиш билан якунлайдилар. Бунда жавобларнинг тўғрилиги, уларнинг тўлиқлиги ҳам эътиборга олинади. Ҳакамлар ҳайъатига диншунослар, тарихчилар, файласуфлар, адабиётшунослар, шифокорлар, шоир ва ёзувчилар, журналистлар, шунингдек хотин-қизлар кўмитаси раҳбарлари, “Саломатлик маркази” ходимлари, “Меҳр-шафқат ва саломатлик”, “Ногиронларга ижтимоий ёрдам” каби жамғармалар, “Ижтимоий таъминот” бўлимлари ходимлари киритилади. Голибларни совғалар билан тақдирлаш тавсия этилади. Совға тариқасида китоблар, гуллар ва эсдаликлар топшириш мумкин.

«Ҳомийлар ҳамиша саҳий»

Мунозара кечаси учун саволлар

1. Ҳомий ва ҳомийлик нима?
2. Саҳий киши қандай бўлади?
3. Маънавий ҳомийлик нима?
4. Ҳомийлик миллий қадриятларимиздан бири.
5. Буюк аждодларимизнинг ҳомийлик бобидаги фаолиятлари?

6. Ҳомийлик ва меҳр мурувват адабий ва тарихий образларда.

«Мурувватнинг мағзи ёки саховатнинг беш мақоми»

Давра суҳбати учун саволлар

1. Алишер Навоий саховатни исломий йўлда қандай тушунтириб берган?
2. Алишер Навоий саховатни ялтироқ дур, яъни дури серобга ўхшатади, буни қандай таҳлил қиласиз?
3. Сахийлик қиламан деб исрофга қўл қўйишни қандай изоҳлайсиз?
4. Бировга ҳиммат қиламан деб, иккинчи бировнинг молига кўз олайтиришни қандай тушунасиз?
5. Токи тирик экансан, саховат уруғини эк.

«Ҳар дарднинг шифоси бор»

Шифокорлар билан учрашув кечаси учун саволлар

1. Юрак қон-томир касалликларининг келиб чиқиши ва даволаш йўллари.
2. Аёлларда бачадон саратон касаллигининг келиб чиқиши ва даволаш йўллари.
3. Репродуктив саломатликни яхшилаш бўйича олиб борилаётган ишлар.
4. Камқонликнинг келиб чиқиши ва уни даволаш йўллари.
5. Асаб касалликларининг келиб чиқиши ва даволаш йўллари.
6. Бўқоқ касаллигининг келиб чиқиши ва даволаш йўллари.

«Меҳр ва мурувватли бўлайлик»

Савол-жавоб кечаси учун саволлар

1. Меҳр-мурувват туйғуларини шакллантириш учун нималар қилиш керак?
2. «Меҳрибонлик уйлари»нинг фаолияти ва вазифалари нималардан иборат?
3. «Мурувват уйлари»да қандай кишилар истиқомат қиладилар?

4. Республикамизда кўзи ожизларга давлатимиз томонидан қандай имкониятлар яратиб берилган?

5. «Етим-есирлар, ёлғиз қарияларга, боқувчисини йўқотганларга, ногирон ва кам таъминланган оилаларга давлатимиз томонидан қандай ғамхўрликлар кўрсатилмоқда?

6. «Ўзбек адабиётида меҳр-мурувват, хайр-эҳсон, саховат, саховатпешалик фазилатларининг қаламга олиниши қандай?

«Ислом меҳр-мурувват дини»

Давра суҳбати учун саволлар

1. “Қуръони Карим”да саховат қилиш, етим-мискинларга яхшилик ҳақидаги оятлар.

2. Ҳадиси шарифда савобли ва хайрли ишларга ундовчи ҳукмлар.

3. Ҳадиси шарифда беморлар ҳолини сўраш ҳақидаги ҳукмлар.

4. Хайрли ва савобли ишлар инсонни турли ҳалокатлардан сақлайди.

5. Имом ал-Бухорийнинг инсонийлик фазилатларидан намуналар келтиринг?

«Саховатли бўлайлик, бемор дардига малҳам берайлик» мавзусида китоб-суратли кўргазма тайёрлашнинг тахминий режаси

Таклиф этилаётган китоб кўргазмаси кутубхонада ўтказиладиган барча турдаги тадбирларни тўлдиради ҳамда мустақил ўтказишга ёрдам беради.

Кўргазма 3 ёки 4 бўлимдан иборат бўлиши мумкин.

1. Бири ҳомий, бири шифокор

Эзгу ишда бўлсалар қўлдош.

Оллоҳ ўзи бўлар мададкор.

Олиб кирса дилларга қуёш.

Бири ҳомий, бири шифокор.

Сиддиқ Мўмин

Бу бўлимда:

Ҳомий, ҳомийлик, саховат, ёлғиз кексалар, ногиронлар, етим болалар, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлганлар, тиббиёт ходими касбининг нуфузи ва унинг мақомини ошириш тўғрисида қабул қилинган қонунлар, махсус фармонлар, меъёрий ҳужжатлар, меҳр-мурувватни янада раванк топтириш йўлидаги, ижтимоий мадад билан таъминлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан боғлиқ бўлган адабиётларни тарғиб қилиш мақсадга мувофиқ.

2. Меҳр-мурувватли, саховатли бўлайлик

*Шод қилса қай инсон бир мусулмонни,
Мурувват зарига ўрар жаҳонни,
Бир муслимга меҳр кўргазган башар,
Инсонийлик тожини дур билан безар.
Нормамат Тоға*

Бу бўлимда:

Исломи дини ва бошқа динлардаги эзгулик асосларига доир манбалар, «Қуръони Карим» ва «Ҳадис»лардаги саховат, саховатпешалик, хайр-эҳсон, савоб, етим-мискинларга яхшилик кўрсатиш, меҳр-оқибат, имон-эътиқод, яхши амалларга шошилиш, очларни тўйғазиш, беморлар ҳолини сўраш, етим ва аёл ҳаққини емоқликдан тийиниш, хайрли ва савобли ишлар, инсонни улуғлаш каби маълумотларга эга бўлган адабиётларни намойиш этиш мумкин.

3. Ҳомийлик улугъ фазилат

*Савоб деб инграйди дунёмиз беҳол,
Зордир у нажотбахш ҳислар сеҳрига.
Жангларда толиққан мажруҳ зот мисол,
Суяниб яшар у инсон меҳрига.*

А.Орипов

Бу бўлимда:

Меҳр ва мурувват, саховат, ҳомий ва ҳомийлик, хайр-эҳсон, ҳадя, болалар уйлари, муҳтож оилаларга, маҳалла-

ларга, таълим муассасаларига кўрсатилаётган саховат-пешаликка оид манбалар, маънавий ҳомийлик акс эттирилган адабиётлар, илмий мақолалар, алломалар ва мутафаккирларнинг меҳр-шафқат, хайр-эҳсон, мурувват, ҳомий ва ҳомийлик ҳақидаги маълумотларга эга бўлган адабиётларни намоиш этиш мумкин.

4. Оқ либосли шифокорлар

*Дилларга малҳам ширин сўзингиз,
Меҳрга чорлар бу кўзингиз,
Бўлинг саломат доим ўзингиз.
Эй, мурувватли шифокоримиз,
Меҳр-шафқатли фидокоримиз!
Искандар Раҳмон*

Бу бўлимда:

Мутафаккир, шоир ва ёзувчилар, олимларнинг шифо-корлар ҳаёти ва фаолияти ҳақида ёзилган илмий-бадий, дoston, бадиа, эссе, ҳикоя, публицистик мақолалар, ривоят, ҳикматлар, насиҳатлар, эсдалик ва хотиралар, шеърлар ва бошқа маълумотларга эга бўлган адабиётларни намоиш этиш мумкин.

**«Ҳомийлар ва шифокорлар» мавзуси бўйича
кутубхоналар ўтказиши мумкин бўлган тадбирлар
туркуми**

Мавзулар тахминий бўлиб, вилоят кутубхонасидан қишлоқ кутубхонасигача тадбирларнинг ўзи учун маъқул шаклини танлаб олиши, уларни маҳаллий материаллар билан тўлдириши мумкин.

Илмий-амалий семинар

1. «Улуғ аждодларимизнинг ҳомийлик ва саховат борасидаги ибратлари».
2. «XXI аср шифокорлари».
3. «Маърифатли кишиларнинг илм-фан, маданият, санъат ва ижод соҳасидаги ҳомийлиги» каби мавзуларда;
«Мен сиздан шифо топдим», «Саховат уруғини эк!», «Меҳр-мурувватли бўл!», «Саховат инсон зийнати», «Оқ халатли посбонлар» каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Конференция

1. «Амир Темур даврида ҳомийлик».
2. «Алишер Навоий энг саховатпеша, энг улуғ ҳомий номини олган мутафаккир».
3. «Хусайн Бойқаро даврида ҳомийлик» каби мавзуларда;
«Хайр-эхсон қил!», «Саховатли бўлайлик», «Ногиронлар ва ёлғиз кексаларга мурувват кўрсат», «Маҳалламиз шифокори» каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Мавзули кеча

1. «Эзгулик барча инсоний фазилатларнинг онасидир».
2. «Ҳомийлик – юксак маънавият ифодаси».
3. «Инсон манфаатлари – эзгулик тимсоли».

4. «Шифокорлик касби – санъатдир» каби мавзуларда;

«Меҳридарё шифокорлар», «Оқ либосли халоскорлар», «Хайру саховат кўрсат», «Сахий хор бўлмас» каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Билимдонлар беллашуви

1. «Қуръони Карим» ва «Ҳадис»да ҳомийлар ва шифокорлар қандай талқин қилинган?

2. «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» мазмун-моҳияти ва мақсадини биласизми?

3. «Амир Темур ва теурийлар даврида ҳомийликни биласизми?»

4. «Султон Маҳмуд давридаги ҳомийликни биласизми?»

5. «Академик даражасига етган шифокор олимларни биласизми?» каби мавзуларда;

«Саховатпешаликни ҳар ким ўзидан бошлаши лозим», «Оқ либосли фидойилар», «Сахийликни яхши кўр», «Эл саломатлиги йўлида» каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Давра суҳбати

1. «Ислон динида хайр-эҳсон, саховат, меҳр-муруват, сахийликнинг талқини»

2. «Мутафаккирлар ижодида эзгулик, сахийлик, саховат, хайр-эҳсон талқини»

3. «Қайси тарихий шахсларнинг ҳомийлик қилганларини биласиз?»

4. «Маҳбуб ул-қулуб» асарида тиб илми ва табибларнинг қаламига олиниси».

5. «Ҳайрат ул-аброр» асарида хайру-эҳсон, саховат, сахийликнинг қаламга олиниси».

6. «Муҳаммад Раҳимхон Феруз илм-маърифат ҳомийси».

7. «Шоирлар ва ёзувчилар шифокорлар ҳақида»
8. «Шифокор меҳнати – давлат ардоғида».
9. «Кўрсатилаётган хайр-эҳсон, сахийлик, меҳр-мурувват тўғрисида фикрларингиз» каби мавзуларда;
«Эл-юрт ардоғида», «Саховатли инсон», «Матонатли инсон», «Ҳар дарднинг шифоси бор», «Дардга малҳам шифокор», «Шифокор – ҳамиша талаба», «Ҳомийлар-қалб шифокори» каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Мунозара кечаси

1. «Бўлажак шифокорларни тайёрлашда ҳозирги кундаги ишлар, муаммо ва ютуқлар».
2. «Жамиятимизда ҳомийликнинг мавқеи ва мақоми».
3. «Шифохоналарни замонавий диагностика ва тиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш» каби мавзуларда;
«Соғлом турмуш тарзига амал қилайлик», «Эзгулик бу – амал бирлиги», «Меҳри дарё шифокорлар» каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Учрашув кечаси

1. «Кардиолог шифокор».
2. «Оилавий шифокор».
3. «Эл посбонлари».
4. «Эл севган шифокор».
5. «Кўли енгил шифокор».
6. «Моҳир жарроҳ» каби мавзуларда;
«Яхшилик ва сахийлик», «XXI аср шифокори», «Саховатпеша ҳам шифокордир», «Спорт ва саломатлик» каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Савол-жавоб кечаси

1. «Маънавий ҳомийлик нима?»
2. «Ҳомийлик фалсафаси нима?»

3. «Маърифатпарвар жадидларимизнинг ҳомийлик борасидаги саховатпешаликларини биласизми?»

4. «Ҳар йили шифокорлар кўригидан ўтасизми?» каби мавзуларда;

«Шарафли умр», «Фидойи инсон», «Эзгуликка бахшида умр», «Саломатлик посбони» каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Мавзули папкалар ва картотекалар

1. 2006 йил – «Ҳомийлар ва шифокорлар йили».

2. «Ҳомийлик – энг улуғ фазилат» каби мавзуларда ташкил қилиш мумкин.

3. «Ҳомийлар – қалб шифокори»

Қатнашувчилар: жойлардаги «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, «Нуроний», «Соғлом авлод учун», «Олтин мерос», «Экосан», «Маҳалла», «Меҳр-шафқат», «Истеъдод», «Раҳм-шафқат», «Соғломлаштириш ва спорт», «Ногиронлар», «Кўзи ожизлар» жамияти вакиллари, «Меҳр нури» жамғармаси, Нотижорат жамоат хайрия ташкилоти, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Ибн Сино» халқаро жамғармаси, «Меҳрибонлик» ногиронлар жамияти, диний ва хотин-қизлар кўмиталари ходимлари, мавжуд партиялар вакиллари, «Саломатлик» марказлари ходимлари, хайрия жамғармалари вакиллари, «Ижтимоий таъминот» бўлимлари ходимлари, диншунослар, тарихчилар, файласуфлар, адабиётшунослар, сиёсатшунослар, тиббиёт ходимлари, педагоглар, ҳуқуқ тартибот органлари ходимлари, ёзувчи ва шоирлар, санъаткорлар, журналистлар ҳамда кенг китобхонлар оммасини жалб қилиш мақсадга мувофиқ.

Адабиётлар

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган (Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрдаги Қонунига мувофиқ киритилган ўзгартиришлар билан).-Т.: Ўзбекистон, 2001.-39 б.

Уй-жойларни хусусийлаштирилиши муносабати билан аҳолининг кам таъминланган табақаларини ижтимоий ҳимоялашга оид қўшимча тадбирлар тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 1992 й. 19 август //Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборот-номаси.-1992.-№10.-Б.70.

Ҳукуматга қаршли бўлмаган «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 1993 й. 23 апрель //Қишлоқ ҳақиқати.-1993.-24 апр.

«Соғлом авлод учун» ҳукуматга қаршли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори 1993 й. 3 июнь //Халқ сўзи.-1993.-4 июнь; Ўзбекистон овози.-1993.-5 июнь.

Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 1996 й. 4 декабрь //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборот-номаси.-1997.-№1.-Б.9-10.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 1998 й. 10 ноябрь //Сихат-саломатлик.-1998.-№5-6.-Б.2-3.

«Ибн Сино» халқаро жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони //Ишонч.-1999.-8 янв.

2000-2005 йилларда ёлғиз кексаларни, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. 1999 й. 7 декабрь //Саховат.-2000.-№1.-Б.2.; Солиқ тўловчининг журнали.-2000.-№1.-Б.5.

Ўзгалар парваришига мухтож бўлган ёлғиз фуқароларга ижтимоий ёрдам кўрсатишда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ролини ошириш тўғрисида: Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. 2000 й. 29 июль //Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари тўплами.-2000.-№7.-Б.48-49.

Аҳолининг ижтимоий ҳимояга мухтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2002 й. 25 январь //Халқ сўзи.-2002.-26 янв.; Тошкент оқшоми.-2002.-28 янв.

Ногиронларга тенг имкониятлар яратиш учун асосий қоидалар //Бир сафда.-2002.-№3.-Б.2.; №5.-Б.3-4; №6.-Б.9-10; 2003.-№1.-Б.7-8; №2.-Б.3-4; №3.-Б.6.

Соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 2003 й. 26 февраль //Тошкент оқшоми.-2003.-27 февр.; Соғлом авлод.-2003.-6-12 март.

Тиббий фаолиятни ва фармацевтика фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги Низомларни тасдиқлаш ҳақида: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. 2003 й. 31 октябрь //Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш.-2003.-18 нояб.

Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси

Президентининг Қарори. 2005 й. 1 декабрь //Адолат кўзгуси.-2006.-3-9 февр.

«Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишининг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши. 2005 й. 16 декабрь //Маърифат.-2005.-17 дек.

«Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастури тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. 2006 й. 23 январь //Ишонч.-2006.-24 янв.; Фидокор.-2006.-24 янв.; Халқ сўзи.-2006.-24 янв.

* * *

Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.-Т.: Ўзбекистон, 1998.-432 б.

Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз.-Т.: Ўзбекистон, 2000.-110 б.

Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий қадрият. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясини 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси //Халқ сўзи.-2005.-8 дек.

* * *

Авесто: Тарихий-адабий ёдгорлик /Асқар Маҳкам тарж.-Т.: Шарқ, 2001.-284 б.

Амир Темур ўғитлари: [Тўплам] /Тузувчилар: Б.Аҳмедов, А.Аминов.-Т.: Наврўз, 1992.-64 б.

Ахоқ-одобга оид ҳадис намуналари.-Т.: Фан, 1990.-171 б.

Бобомурод А. Ислом одоби ва маданияти.-Т.: Чўлпон, 1995.-176 б.

Дурдоналар хазинаси: Ҳикоялар, масаллар, ривоятлар, насиҳатлар, ҳикматлар, латифалар /Жамоатчилик асосида муҳаррир М.Қодиров.-Т.: Шарқ, 1999.-192 б.

Инсон зийнати: Одоб ва ахлоққа доир ҳикматлардан /Тузувчи И.С.Саиджонов; Масъул муҳаррир Б.Қурбонбоев.-Т., 1996.-24 б.

Инсон кўрки-одоб: Одоб-ахлоқ ҳақидаги Қуръони Карим оятлари ва Ҳадиси шарифлар /Тўпловчи ва тарж.: Абдужабборов А.: Ўзбекистон Респуб. Вазирлар Маҳкамаси Тошкент Ислом ун-ти нашр., матбаа бирлашмаси, 2004.-112 б.

Навойи Алишер. Мукаммал асарлар тўплами: 20 томлик /Ўз ФА А.С.Пушкин номидаги Тил ва адабиёт ин-ти, Ҳ.С. Сулаймонов ном. кўлёмалар ин-ти; Таҳрир хайъати: Комил Яшин ва бошқ.-Т.: Фан, 1987.-2003.

Т.7. Хамса: Ҳайрат ул-аброр /П.Шамсиев илмий-танқидий текст асосида дostonни изоҳлар билан нашрга тайёрл.: А.Ҳайитметов, И.Ҳаққулов; Масъул муҳаррир Е.Исҳоқов.-1991.-392 б.

Навойи Алишер. Махбуб ул-қулуб.-Т.: Ёзувчи, 1992.-181 б.

Нарзуллаев Н. Мурувват: Шеърлар, кўшиқлар.-Т.: Камалак, 1995.-112 б.

Раҳмон Искандар. Оқ либосли халоскорлар.-Т.: Ибн Сино ном. нашр., матбаа бирлашмаси, 1995.-250 б.

Раҳмон қизи Санобар. Умрлар борки...!: Хужжатли қисса.-Т.: Ибн Сино ном. тиббиёт нашр., 1992.-111 б.

Содиқова Т. Меҳр қолур: Маънавият дарслари учун кўлл.-Т.: Меҳнат, 1997.-151 б.

Темиров К. Меҳр истаб: Шеърлар, эсселар.-Т.: Камалак, 1995.-20 б.

Темур тузуклари /Форсчадан А.Соғуний ва Ҳ.Кароматов тарж.: Б.Аҳмедов таҳрири остида.-Т.: Адабиёт ва санъат нашр., 1996.-344 б.

Уватов У. Донолардан сабоқлар.-Т.: Абдулла Қодирий ном. халқ мероси нашр., 1994.-92 б.

Шифокор Суннат Қосимов /Тузувчилар: Ф.Қосимова, Н.С.Қосимова.-Жиззах, 1999.-49 б.

Шифокорлар ва дардмандлар хандаси: [Тўплам] /Тўпловчи Б.А.Охунжонов.Т.: Ибн Сино ном. нашр., 1991.-95 б.

Қодиров А. Навоий ва тиббиёт.-Т., 1991.-24 б.

Қосимов Э. Й. Шифокорнинг нутқ маданияти ва бемор билан мулоқот санъати: Тиббиёт дентологиясидан лавҳалар.-Т.: Шарқ, 2002.-176 б.

Қуръони Карим: Ўзбекча изоҳли таржима /Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур.-Т.: Чўлпон, 1992.-544 б.

Қуръони Карим маъноларининг таржимаси /Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур; Масъул муҳаррир Ҳ.Кароматов.-Т.: Тошкент Ислом ун-ти, 2001.-617 б.

Ғойибов М. ва бошқ. Хива табобати: Рисола /М.Ғойибов, Рўзимбой Ҳасан, Олимжон Раззоқ; Махсус муҳаррир А.Усмонхўжаев.-Т.: Абу Али Ибн Сино ном. тиббиёт нашр., 1995.-55 б.

Ҳикматлар /Фурс тилидан Носир Муҳаммад тарж.-Т.: Адабиёт ва санъат нашр., 1999.-29 б.

Ҳикматларга тўла бу дунё (Нашрга тайёрловчи тарж. А.Ирисов).-Т.: Ўқитувчи, 1977.-111 б.

Ҳомийлар ва шифокорлар йили: мазмун ва моҳияти /Тузувчилар: Қуддус Аъзам, Султонмурод Олим, А. Иброҳимов ва бошқ.; Масъул муҳаррир П.Қ. Ҳабибуллаев.-Т., 2006.-50 б.

* * *

Акмалов А. «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» мазмун-моҳияти ва мақсади //Постда.-2006.-7 янв.

Алимов Н. Демократия, эзгулик ва инсонпарварлик маданияти //XXI аср.-2006.-12 янв.

Аҳмедова М. Эзгуликнинг ёруғ нури: [Воқеъи хикоя]
//Қадрият.-2006.-25 февр.

Бобожонов С., Қосимов А. Шифокорлик касби –
санъатдир //Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш.-2005.-9 авг.

Бобожонов Ф., Эшалиев Б., Шукуров Ҳ. Почвондан
чиққан тадбиркор: [Саховат кўрсат – савоб оласан]
//Қадрият.-2006.-11 февр.

Бойтиллаев Р. Ҳиротни обод этган эди: [Алишер
Навоий юрт ободончилигида] //Маҳалла.-2006.-8 февр.

Ёкубов Б. Ҳомийликнинг қонуний базаси нималарга
асосланади? //XXI аср.-2006.-19 янв.

Ёкубов Д. Савоб иш-тириклик зийнати //Демократ-
лаштириш ва инсон ҳуқуқлари.-2004.-№1.-Б.21-22.

Жуманазаров О. Ота изидан: [2006 йил – Ҳомийлар
ва шифокорлар йили] //Ишонч.-2006.-7 янв.

Жумаҳўжа Насратулло. Ҳомийлик-юксак маънавият
ифодаси //Ватанпарвар.-2006.-3 февр.

Загритдинова Ф. Врачлик сири //Ҳаёт ва қонун.-
2003.-№ 1.-Б.37.

Загритдинова Ф. Шифокорлик сири ёки беморнинг
маълумот олиш ҳуқуқи //Ҳаёт ва қонун.-2002.-№ 5.-Б.58.

Зокирова Н. Маънавий зиённинг товони ёхуд врачлик
сирини ошкор этиш оқибатлари: [Мулоҳаза] //Ҳаёт ва
қонун.-2003.-№ 2.-Б.80.

Иванова А. Болаларга меҳр ва мурувват билан //Халқ
сўзи.-2004.-15 июнь.

Исмоил Маҳмуд. Меҳру мурувватдан топар: [Шеър]
//Ҳидоят.-2004.-№ 2.-Б.22.

Йўлдошев К. Ҳар ким ўзини ўзи асраш керак: [2006
йил – «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»] //Ўзбекистон
овози.-2006.-4 февр.

Комилов Н. Ҳомийлик халқимизнинг азалий нажиб
хислати //Ўзбекистон овози.-2005.-22 дек.

Мамадалиев А. Соғломлаштириш-ногиронликни камайтириш демакдир //Саховат.-2001.-№ 4.-Б.29.

Маматов А. Саховат – инсон зийнати: [2006 йил – Ҳомийлар ва шифокорлар йили] //Миллий тикланиш.-2006.-1 февр.

Маҳкамова Ф. Мурувватни дариғ тутмайлик... //Қишлоқ ҳаёти.-2004.-20 янв.

Меҳр кўрсатсанг – меҳр кўргайсан: [2006 йил – Ҳомийлар ва шифокорлар йили] //Қадрият.-2006.-8 февр.

Меҳр-саховатли бўлайлик //Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш.-2001.-24 дек.

Мирзакаримова Ю. Ҳеч ким эътибордан қолмайди //Қадрият.-2006.-21 янв.

Нарзиев Н. Болалар соғлиги юрт бойлиги //Қадрият.-2006.-25 февр.

Норматов Н. Йўлингиз ойдин, йилимиз хайрли бўлсин: [2006 йил – Ҳомийлар ва шифокорлар йили ҳақида] //Фидокор.-2006.-5 янв.

Норматов Н. Муҳтожга меҳр керак //Қишлоқ ҳаёти.-2004.-13 февр.

Нормуратова М. Саховат улуғликни оширади //Халқ сўзи.-2003.-20 дек.

Норов Ж. Ҳомийлар ҳамиша сахий: [Мурувват] //Қадрият.-2006 –11 февр.

Норкулов Ҳ. Маҳаллада меҳр тарбияси //Маҳалла.-2006.-26 янв.

Носиров В. Эътибор ва ғамхўрлик //Қадрият.-2006.-18 февр.

Олим Султонмурод. Сахий ва ахий //Ҳуррият.-2004.-28 янв.

Ражабов Э. Инсон манфаатлари – эзгулик тимсоли //Ишонч.-2006.-1 февр.

Раззоқова Л. Ўксик қалбларга малҳам //Қадрият.-2006.-25 февр.

Расулова М. Меҳрибонлик тадбирлари //Қадрият.-2006.-7 янв.

Раҳмон Искандар. Соғлом турмуш тарзига амал қилайлик: [2006 йил – Ҳомийлар ва шифокорлар йили] //Тошкент окшоми.-2006.-4 янв.

Рўзиев Р. Ҳомийлик фалсафаси //Ўзбекистон овози.-2006.-1 янв.

Саидова А. Эзгулик қилишга шошилинг //Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари.-2004.-№1.-Б.7-8.

Сафаров Р. Ҳомийлик – меҳр-мурувват нишонасидир //Қадрият.-2006.-18 февр.

Сиддиқ Мўмин. Бири ҳомий, бири шифокор: [Шеър] // XXI аср.-2006.-19 янв.

Сиддиқ Мўмин. Навоий саховат ва ҳомийлик ҳақида //Қадрият.-2006.-2 февр.

Содиқов А. Саховатпешаликни ҳар ким ўзидан бошлаши лозим //Ўзбекистон овози.-2005.-22 дек.

Тожибоев О. Ҳомийликда ҳам ибрат Навоий //Маҳалла.-2006.-8 февр.

Тошев Н. Саховат умр боқийликдир //Қишлоқ ҳаёти.-2004.-27 янв.

Тўлаганова М. Қадрлайлик, меҳр улашайлик //Тошкент ҳақиқати.-2004.-7 янв.

Тўраев Н. Ҳомийлар кўмаги //Маърифат.-2006.-15 март.

Умурзоқова Г. Самарали тадбир ва ўзаро ҳамкорлик фаолиятимиз асоси: [Фракция ҳаёти] //Фидокор.-2006.-26 янв.

Файзиев О., Шукуров М. Меҳр ва мурувватни ёшлар қандай тушунади? //Туркистон.-2004.-21 янв.

Холов Ж. Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиш керак //Фидокор.-2006.-26 янв.

Шодмоналиев О. Саховатпешалар //Халқ сўзи.-2004.-11 май.

Эгамқулова Н. Ҳомийлик халқимизга хос фазилат //Қадрият.-2006.-11 февр.

Эралиев А. Савоб ишлар қулоч ёяди //Қадрият.-2006.-18 февр.

Эшалиев Б. Саломатлик ва тиббий маданият //Қадрият.-2006.-7 янв.

Юнусова З. Шифокор – ҳамиша талаба //Ватанпарвар.-2006.-3 февр.

Юсупова Т. Меҳр-оқибатдан айирмасин //Оила ва жамият.-2002.-1-8 янв.

Ўрозов Қ. Ногиронлар саломатлигини ўйлаб //Қадрият.-2006.-25 февр.

Ўролов Д. 90 ёшли момо – халқ таълими ҳомийси //Маърифат.-2006.-15 март.

Қадрият ва эзгуликлар солномаси: [2006 йил Ҳомийлар ва шифокорлар йили] //Адолат.-2006.-13 янв.

Қаюмов А. Эл хизматида кечган умр //Халқ сўзи.-2006.-10 февр.

Қаҳҳоров С. Ногирон дунё: ёхуд марғилонлик Муҳаббат Норматованинг ўксик дилларга қандай қилиб йўл очаётгани ҳақида //Хуррият.-2006.-25 янв.

Қирғизбоев Д. Саховат – рухият тарбиячиси //Миллий тикланиш.-2006-1 март.

Қобулова Ҳ. Эл ардоғида: [Меҳридарё шифокорлар] //Қадрият.-2006.-7 янв.

Қурбонов Ў. Ҳикмат ва мурувват сабоқлари //Миллий тикланиш.-2006.-1 март.

Ғаниев Б. Шифокор қасамёди ва ахлоқ //Мулоқот.-1996.-№ 1.-Б.57-58.

Ҳайдаров А. Эзгулик бу – амал бирлиги //Ўзбекистон овози.-2006.-16 февр.

Ҳамиджон Ҳомидий. Ҳомийлик: Ўтмишда ва бугун: ёки халқимизнинг асрий анъанаси ҳақида //Ўзбекистон овози.-2006.-28 янв.

Ҳикматов У. Меҳр билан диллар нурафшон //Қадрият.-2006.-25 янв.

Ҳикматов У. Хайр-саховат – олий қадрият //Қадрият.-2006.-21 янв.

Ҳомийлик – инсонга шифо бериш демак //Халқ сўзи.-2005.-13 дек.

Ҳомийлик халқимизнинг азалий қадрияти: агар унинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланса, бу фаолият билан шуғулланувчилар янада кўпаяди,-дея таъкидлашди Ўзбекистон ХДП Марказий кенгаши бўлиб ўтган конференция иштирокчилари /Ёзиб олувчи Б.Шукуров //Ўзбекистон овози.-2006.-12 янв.

Мундарижа

Муқаддима	3
«Ҳомий ва шифокор» ўтмиши ва бугунига бир назар	6
“Ҳомийлар ва шифокорлар” ҳақида	18
Билимдонлар беллашувини ташкил қилишга тавсиялар	26
Мунозара кечаси учун саволлар	31
Давра суҳбати учун саволлар	32
Шифокорлар билан учрашув кечаси учун саволлар	32
Савол-жавоб кечаси учун саволлар	32
Давра суҳбати учун саволлар	33
Китоб-суратли кўргазма тайёрлашнинг тахминий режаси	33
Кутубхоналар ўтказиши мумкин бўлган тадбирлар туркуми	36
Адабиётлар	40

Босишга рухсат этилди 2006 йил “___” Май
Бичими 60x84 ¹/₁₆ наshr. т.300 нусха. Буюртма №____

Тошкент, Ҳ.Сулаймонова кўчаси, 33. Алишер Навоий
номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси босмахонасида
чоп этилди